

Талабаликка бир қадам

2021 йилнинг 16 апрель куни Тошкент шахар, Шайхонтохур тумани касб-хунар мактабининг бир гуруҳ ўқитувчилари ҳамда 35 нафар мактаб ўқувчилари “Талаба-ёшлар билан учрашув” ҳамда “Талабаликка бир қадам” деб номланган тадбир марафонни амалга ошириш мақсадида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтига ташриф буюришди.



Тадбир-марафонни ўтказишдан асосий мақсад мактаб ўқувчиларини олий таълим муассасаси ҳаёти билан яқиндан таништириш, уларни касбга йўналтириш бўйича кўникмаларини шакллантиришдан иборат бўлди.



Ташриф давомида ўқувчилар институт ўқув бинолари, ахборот ресурс маркази, Абдулла Орипов номидаги музей, Абдулла Орипов номидаги ёшлар боғи, институт спорт заллари, лаборатория хоналари ҳамда талабаларга яратилган шарт-шароитлар билан яқиндан танишишди. Ташриф ўқувчилар учун қизиқарли ва мазмунли кечди.

**М.Баратов Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими
ТИҚҲММИ матбуот хизмати**